

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 30-yanvar, payshanba

№ 3 (9323)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



ДАЛА ЧЕТЛАРИДАН ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

Ўзбекистон мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортида катта маррани қўзғалаган. Дарҳақиқат, бугунги кунда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашга қандай омиллар асос бўлмоқда, умуман, дала четларидан қанчалик самарали фойдаланиш мумкин?

Шу каби масалалар юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Бобур ҲАМРОЕВнинг фикрларига қизиқдик.

– 2024 йил 18 январда давлатимиз раҳбари раислигида инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселекторда янгича ёндашув асосида ишни ташкил қилиш ва экспорт ҳажминини ошириш топшириғи берилган эди, – дейди Б.Ҳамроев. – Натижада кучлар сафарбар қилиниб, даладан экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотга бўлган барча жараёнлар такомиллаштирилиб, янгича тизим жорий этилди.

Ўтган йили ноябрь ойида Президент раислигида мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан бўлган видеоселектор йиғилишида эса бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, томорқа ва уйлар олди, маҳалладаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофидан самарали фойдаланиш вазифаси топширилди.

Маълумот учун томорқа ва уйлар олди, маҳалладаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофида 650 минг гектар ер бор. Бу ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва дарахтлар екиш учун хйиш имконият. Энди бу ерларнинг аниқ ўлчами тасдиқланиб, Агроплатформага киритилади. Аҳоли ва фермерлар сифатли уруғ танлаш, дори ва ўғитни тўғри қўллаш, маҳсулотни сифатли сақлашга ўргатилади.

Соҳадаги ишлар давоми сифатида Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатнинг мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни самарали ташкил қилиш ва кўпайтириш орқали мамлакатнинг экспорт кўрсаткичларини оширишдир.

(Давоми 2-саҳифада)

“БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ДАРОМАД ТОПАЁТГАН МАҲАЛЛА

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, доимий ва қўшимча даромад манбаига эга қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳудудларда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни шу кунларда ишчи таширф билан Сурхондарё вилоятида бўлиб турган қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмоновнинг навбатдаги таширф манзили Қумқўрғон тумани “Уяс” МФЙдаги “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида фаолият юритаётган хонадонларда бўлди.

Маҳаллада жами 900 хўжалик мавжуд бўлиб, бу ерда 1325 та оила яшайди. Аҳоли сони эса 5005 нафарни ташкил этади. 900 та хўжалиқдан 724 тасида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, ҳар бир иссиқхона



5 сотихдан 30 сотихгача майдонни эгаллаган. Ушбу иссиқхоналарда булғор қалампирининг “Фиш”, “Лот”, “Юбилей” каби навлари етиштирилмоқда, шунингдек, қўчатчилик ҳам йўлга қўйилган.

Пўлат Ибрагимовнинг хонадонида ҳам 30 сотих майдонда иссиқхона ташкил этилган бўлиб, бу ерда томчилатиб суғориш технологияси қўлланилган ва булғор қалампир етиштирилмоқда. Маҳаллада етиштирилган булғор қалампирлари нафақат маҳаллий бозорларга, балки ташқи бозорларга ҳам экспорт қилинади.


Шуни таъкидлаш жоизки, иссиқхона-



ларда булғор қалампир ҳосилини йиғиб олгандан сўнг, помидор ва бодринг каби сабзавотлар ҳам етиштирилади. Бу эса, йил давомида иссиқхоналардан доимий даромад олиш имкониятини яратди.

Маҳалла фаолларининг таъкидлашича, ўз томорқасида омилкорлик билан иш юритаётган ва тинимсиз меҳнат қилган инсонлар яхши даромад топмоқда. Ҳозирда маҳаллада аҳоли баҳордан эътиборан булғор қалампир етиштиришни бошлашга тайёрланмоқда, шунингдек, қўчат етиштириш ҳам амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
ахборот хизмати



ДИЛНОЗА “ЁШ ТАДҚОҚОТЧИ” НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти мустақил тадқиқотчиси (ПХД) Дилноза Абдуқодирова “Информатика дарсларида ўқувчиларнинг ақлий салоҳиятини ривожлантиришда рағбатлантирувчи ўйин иловаларидан фойдаланиш методикаси” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда. У тадқиқотлари натижасида ўтган йили МДҲ давлатлари ўртасидаги халқаро амалий кўрик танловда “ёш тадқиқотчи” нишони билан тақдирланди.

Қишлоқ хўжалигида ОРГАНИК ОЗИҚЛАНТИРИШ ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Сила кремний кузда буғдойни барглари орқали озиқлантириш учун самарали микроўғит бўлиб, юқори сифатли ишлов бериш, иккиламчи илдиз тизимини шакллантириш ва қишқи уйқу ҳолатига ўтиш учун оптимал тайёргарликни таъминлаш учун барча зарур микроэлементларни ўз ичига олади.

Кремнийли ўғитлар ва таркибида кремний бўлган мелиорантлардан фойдаланиш тупроқ ва ўсимлик озуқа элементларининг тизимидаги табиий мувозанатини тиклаш, деградация жараёнлари тезлигини пасайтириш ва юқори сифатли барқарор ҳосил олиш нуқтани назардан муҳимдир. Ушбу турдаги ўғитлар тўғрисидаги маълумотларнинг камлиги, кремний ўғитларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишда ягона ёндашув ва методологиянинг йўқлиги, шунингдек, кремний ўғитларининг анъанавий минерал ўғитлар билан ўзаро таъсири тўғрисида умумлаштирилган назарий материалнинг

йўқлиги ушбу ўғитлардан кенг фойдаланиш жараёнини сезиларли даражада секинлаштиради. Ушбу жараёнларни тушунмасдан ўғитлар ва тупроқ мелиорантларининг янги синфидан кенг фойдаланиш самарасиз бўлиши мумкин. Ю.Лиебих ўзининг “Қишлоқ хўжалигига илова қилинган кимё” асарида макроэлементнинг тўртта асосига ишора қилган – азот, фосфор калий ва кремний. Тупроқда кремнийнинг юқори тарқалиши тупроқ ҳосил бўлиши ва тупроқ унумдорлигини шакллантириш жараёнларида муҳим рол ўйнайди.

(Давоми 2-саҳифада)



➤ Кашфиёт

Лола дарахтининг уруғлари бундан бир неча йиллар аввал Шимолий Америкадан Тошкент ботаника боғига келтирилган эди. Дастлабки дамларда лола дарахти манзарали ўсимлик сифатидагина эътиборга сазовор бўлди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалар кимёси институтида бу дарахт тадқиқ этила бошланганида, унинг ҳар бир аъзоси шиғобхаш алкалоидларга бой эканлиги маълум бўлди.

АМЕРИКА ЛОЛА ДАРАХТИНИНГ СИРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛДИ



Мен устозим – дунёга машҳур алкалоидлар кимёси мактабининг асосчиси, академик Собир Юнусовнинг маслаҳати билан профессор Абдулатип Абдусаматов раҳбарлигида “Америка лола дарахти”ни текшира бошлаганимда, кашфиёт қиламан, деб ўйлагандим. Фақат битта нарсани: дарахтнинг алкалоид моддалари тўғрисида фанга ҳали ҳеч нарс маълум эмаслигини билардим.

(Давоми 2-саҳифада)

➤ Сарҳисоб

КАНАЛЛАР БЕТОНЛАШТИРИЛИБ, ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўтган йили Наманган вилоятида сув хўжалиги соҳасида ҳам кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, қатор ютуқларга эришилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 500 миллиард метр куб сувни иқтисод қилишга эришилди.

Бунда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва лазер текислаш ҳисобига 179 миллион метр куб, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирлари ҳисобига 146 миллион метр куб, сув кам талаб қиладиган экинлар улушини кўпайтириш ҳисобига 140 миллион метр куб, ахборот коммуникация технологиялари ва рақамли технологияларни жорий этиш ҳисобига 45 миллион метр куб сув иқтисод қилинди. 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумида 23 минг гектардан зиёд майдонда бир марта, 5396 гектар майдонда 2 марта, 90 гектар майдонда 3 марта шўр ювиш ишлари амалга оширилди.

Жамоамиз билан жорий йилда ҳам ўз олдимизга муайян мақсадларни қўйганмиз. Жумладан, 30 минг 100 гектар майдонда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишни белгилаб олдик. Бунда 5400 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш, 2400 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш, 1900 гектар майдонда дискретли суғориш тизими, 7600 гектар майдонларни лазерли ер текислаш ускунаси ёрдамида текислаш, 9800 гектар майдонда эгилувчан қувурлар ҳамда 3000 гектар майдонда эгатта плёнка тўшаб суғориш тизими жорий қилинади.

(Давоми 2-саҳифада)



ЭЗГУ ТАШАББУС БИР ОИЛАНИНГ ҲАЁТИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРДИ

Президентимизнинг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Баҳодир Юсуповнинг ташаббуси билан Норин тумани “Юқори Чўжа” МФЙда яшовчи фуқаро Б.Ж хонадони ва унинг турмуш шароити ўрганилганида, ўзи ва турмуш ўртоғи 2-гурух ногирони эканлиги, бир нафар фарзанди мактаб ўқувчисилиги, яшаш шароити ўта оғирлиги, имкониятсизликлари сабаб ҳатто томорқаси ҳам қаровсиз ҳолга келиб қолганлиги маълум бўлди.

Шундан келиб чиқиб, Халқ қабулхонасининг бевосита ташаббуси ва ташкилотчилиги билан ҳокимлик ва МФЙ ҳамкорликда хомийларни жалб қилди. Биринчи навбатда унинг яшаш уйлари хоналарининг эскириб кетган эшик, деразалари янгиланди. Уй ичи, дарвозахона ва ташқи фасадлари тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилди. Яроқсиз тандир ўрнига



янгиси ўрнатилди, янги ўчоқ қуриб берилди. Қурилиш материаллари олиб келиниб, ошхона қурилди. Аянчли аҳволдаги ҳожатхона ҳам бузиб ташланиб, янгитдан қурилди ва бошқа девор уриш, оқлаш ишлари амалга оширилди. Ҳовли қуриган дов-дарахтлардан тозаланиб, бошқаларига шакллар берилди, бир неча йиллардан буён йиғилиб қолган чиқиндилар чиқарилиб, ерлари шудгорланиб, экин экишга тайёрланди.

Оила даромадини шакллантириш мақсадида қўшимча тўқсонбости экини экилди, пиёз кўкатлари санчилиб, усти плёнка билан ёпилди. Сабзавот ва полиз маҳсулотларига ўра қовланди, ҳовлига янги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Натижада, уй эгаларига янгича ҳаёт кечришлари учун учун шароит яратилди.

Ушбу хайрли ишларда беминнат ёрдам кўрсатган барча-барчага Халқ қабулхонаси номидан ташақкур айтамиз.

Фуқаро Б.Ж хонадони Норин туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан оталиққа олиниб, уларнинг келгусида ҳам яхши яшашлари учун турмуш тарзлари тўлиқ назоратга олинган.

Фахриддин БАЙЗАҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Норин туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.



АМЕРИКА ЛОЛА ДАРАХТИНИНГ СИРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Лола дарахти илмий изланиш учун саховатли, алкалоидларга бой ўсимлик бўлиб чиқди. Кашфиёт дарҳол юзага чиққани йўқ. Академик С.Юнусов томонидан яратилган “Ўсимликнинг ҳар бир аъзоси, ўсish жойи ва вегетацион ўсish фазасига боғлиқ ҳолда сифат ва миқдор жиҳатдан турли алкалоидлар сақлайди”, деган назарияга мувофиқ лола дарахтининг барча қисмларини турли ўсish босқичларида, алоҳида-алоҳида текширдим. Натижада, унинг сирлари кетма-кет очила бошлади. Ҳали илмий изланишнинг ярми ўтмасиданоқ, 14 та алкалоидни тоза ҳолда ажратиб олдим.

Шуларнинг 7 таси янги алкалоидлар бўлиб, бирор манбада тилга олинмаган. Олинган натижаларни умумлаштириб, 1974 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Ҳимоядан кейин, бу ўсимликни текширишни профессор А. Абдусаматов раҳбарлигида давом эттириб, ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоидларни бир тизимга солиб ва умумлаштириб, 1997 йили докторлик диссертациямни



ҳимоя қилдим.

Хулоса қилиб айтганда, лола дарахтининг алкалоидлари биринчи бўлиб ўрганилди, турли ўсish фазаларида ўсимликнинг турли аъзоларидан 29 та алкалоидлар ажратиб олинди. Шулардан 11 таси янги алкалоидлар бўлиб, замонавий физик текшириш усуллари ва кимёвий ўзгаришлар асосида уларнинг тузилиши аниқланди. Шундай қилиб, ватани Америка китъаси бўлган лола дарахтининг сирлари ўз ватанида эмас, Ўзбекистонда очилди.

Рихсибой ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат аграр университети Биокимё ва физиология кафедраси профессори, кимё фанлари доктори.

➤ Эълонлар

Низамутдинова Сакиня номига 1993 йил 16 февралда 01-01/4138 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Авазова Рано махкамовна номига 1992 йил 19 декабрда 04-02/864 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ДАЛА ЧЕТЛАРИДАН ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ ҲОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

(Боши 1-саҳифада)

Қарорга асосан комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Унга кўра Сув хўжалиги вазирлиги тегишли дала четларида сув таъминоти мавжудлиги ва ушбу ерларга экин экилиши ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилишига тўсқинлик қилмаслиги юзасидан, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги эса тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, мева ва узум навлари юзасидан хулосаларни агентликка тақдим этади.

Шунингдек, қарорда 6 турдаги кўчат экиш тавсия сифатида кўрсатилган. Булар беҳи, олча, олхўри, узум, бодом, чилон жийда, тут дарахтлари бўлиб, мазкур экин турларини етиштиришда ҳудудларнинг ихтисослашуви ва тупроқ-иқлим шароити инобатга олинади.

Агросаноатни ривожлантириш агентлиги тавсиясига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари дала четини ўзлаштириш ва маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган уруғ, кўчат, минерал ўғитлар, кимёвий препарат ва моддий-техник ресурслар билан таъминланади. Сув билан таъминлаш учун насос ва қуварларни ўрнатиш харажатларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган қисмини қарз олувчининг банк карталарига ўтказиш йўли билан 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатга йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада кредитлар ажратилади.

Ҳар бир тумандаги дала четлари, хонадон ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларидаги ер майдонлари ўрганилиб, аниқ ўлчамларини тасдиқлаш ишлари олиб борилади ва маълумотлар базаси жорий йил 15 февралга қадар шакллантирилади.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотувини «Uzex Agro» электрон савдо платформаси орқали ташкил қилиш имконияти тақдим этилади.

Кадастр агентлиги ва Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси томонидан хо-



(Боши 1-саҳифада)

Тупроқ қопламанинг деградацияси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатининг пайсaiи, глобал иқлим ўзгариши, янги энергия танқислиги, экологик тоза ва шу билан бирга юқори самарали қишлоқ хўжалиги амалиётларини кенг жорий этишни талаб қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатининг пайсaiиши ва қишлоқ хўжалиги ерлари деградацияси кўп жиҳатдан ўсимликларнинг баланссиз озикланиши билан боғлиқ.

Кремний танадаги энг муҳим элемент бўлиб, кислороддан кейин энг кенг тарқалган табиатдаги элемент. Ер қобиғидаги ҳар олтинчи атом кремний атомидир. Кремний ҳар қандай организмнинг тўғри ишлаши учун асосдир. Танадаги деярли барча жараёнлар, юрак-кун томир тизимининг ҳолати ва асаб тизимлари унга боғлиқ. Силикон минерал тузлар ва витаминлар сўрилишини рағбатлантиради, унинг етишмаслиги тананинг заифлашишига ва касалликлар ривожланишига олиб келади. Демак, табиятда биронта ҳам организмнинг кремнийсиз ўсishи ва ривожланиши мумкин эмас.

Уни қишлоқ хўжалигида қандай ишлатиш мумкинлиги ҳақида савол туғилади. Бунда нанотехнология ёрдам беради. Фаол кремнийга асосланган препаратни яратиш замонавий ўғитнинг янги тури, қишлоқ хўжалиги экинларининг микроэлементларни яхшироқ, кўпроқ сингдириши касалликлар ва паразитларга чидамли бўлишига ёрдам беради. Наносиликон сезиларли даражада қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради, шунингдек, тупроқ унумдорлини тиклашга ҳисса қўшади. Турли хил минераллар билан ифодаланган кремнийнинг қаттиқ шаклларидан ташқари, тупроқ ва тупроқ сувларида эрувчан Си шакллари мавжуд: мономерлар ва кремний кислотаси полимерлари. Бу нано кукунга асосланган аралашма кристалли кремний, шунингдек, ўсимлик ривожланиши учун зарур бўлган микроэлементлар – мис, темир, рух, магний ва бошқаларнинг нано чангларини ўз ичига олади. Ҳар йили 20 дан 700 кг/га.гача Си ни қайтариб бўлмайдиган даражада қишлоқ хўжалиги ўсимликлари



надонлар ва кўп қаватли уйлар олдидаги ер майдонлари, маҳалланинг ички кўчаларига доир маълумотлар ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари чегаралари кесимида хатловдан ўтказилиб, Геоахборот тизимига киритилади.

Бунда Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизимидаги (UZKAD) маълумотлар Карантин агентлигининг «e-Fitouz» автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилиниб, ҳудудларнинг аниқ майдони белгиланади. Хатловдан ўтказиш жараёнларига Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ҳам жалб этилади. Натижада мутахассислар кўмагида дронлар орқали қарордан назарда тутилган экин майдонлари аниқланади.

Карантин агентлигида давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан ташкил этилган Марказий экспорт штаби мутахассислари томонидан Ўзбекистоннинг 50 дан ортиқ элчихона ва ваколатхоналари билан ҳамкорликда хорижий бозорлар конъюнктураси ўрганилади. Бунда талаб юқори бўлган маҳсулот турлари ва нархлар мониторинги юритилиб, маълумотларни маҳаллий тадбиркорларга етказиш тизими йўлга қўйилди. Мамлакатимиз ишбилармонларига қулайлик яратиш мақсадида

мазкур маълумотлар ва маҳаллий бозорларда маҳсулотлар нарҳини Статистика агентлигига етказиб, ташкилотлар тизимининг интеграциясини йўлга қўйиш режалаштирилган. Жорий йил 1 мартга қадар амалга оширилаётган жараёнлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилади.

Яна бир муҳим жиҳат, дала четларида экиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган, самарали ва инновацион услубларини жорий қилиш бўйича илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилади ва ҳар бир ҳудуддаги ер эгаларига етказилади.

Бу эса юртимиз ҳудудларидаги бўш майдонлардан самарали фойдаланиш билан бирга, аҳолининг замин неъматларини меҳнат орқали ҳар қарич ердан топиш мумкинлигига яна бир бор амин бўлишига олиб келади. Ўз ўрнида ёш авлоднинг меҳнат орқали эришилаётган ютуқларга ҳавасини оширади ва ҳудудлар фаровонлигига ҳисса қўшади, десак муболага бўлмайди.

ЎЗА мухбири
Абдулазиз РУСТАМОВ
ёзиб олди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ОРГАНИК ОЗИҚЛАНТИРИШ ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

ўзлаштиради. Ушбу қиймат билан фосфор, азот ва калий каби макроэлементларнинг ўзлаштирилишини солиштириш мумкин.

Республикамизнинг турли вилоятлари тупроқ иқлим шароитларида, турли экинларда, жумладан, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Қаҳрамон ҳудудида жойлашган “Саидаброн Султонсaiи” фермер хўжалиги кузги бугдой ва беда экилган далаларида, Бўка туманидаги маккажўҳори, ерёнғоқ ва фасол экилган далаларда, Қашқадарё вилояти Касби тумани гўза майдонларида, Хоразм вилояти Гурлан



туманида гўза, шoли, Қорақалпоғистон Республикасида кузги бугдой ва шoли майдонларида Сила кремний препарати суспенсия қилиниб, 2021-2023 йилларда синондан ўтказилди. Тадқиқотлар ишлаб чиқариш шароитида “Саидаброн Султонсaiи” фермер хўжалиг кузги бугдой экилган даласида олиб борилди. Кузги бугдойнинг “Асп” навли супер элита урувлари 20 гектар майдонга “Сила кремний” ва 16 гектар майдонга “Аминосид” препаратлари билан ишлов берилиб экилди. Кузги бугдой экиш меъёри 250 кг/га. бўлиб, ер тайёрлашда 200 кг/га. Аммофос минерал ўғит солинди. “Сила кремний” билан ишлов берилган вариантда 8-10 кун назорат варианты (13-15) га нисбатан 5-10 кун олдин униб чиққанлиги кузатилди. Аминосид препарати билан ишлов берилган вариант (11-12 кун) назорат вариантга нисбатан 2-3 кун олдин эканлиги аниқланди. Кузги бугдойнинг тупланиши назорат вариантда 8-11 дoна, Аминосид препарати билан ишлов берилган вариант 10-13 дoна ва “Сила кремний” билан ишлов берилган вариантда 15-18 дoнани ташкил этди. Кузги бугдойни биринчи озиклантиришда барча вариантларда 200 кг/га. аммиакли селитра берилди. Иккинчи озиклантиришда “Сила кремний” билан ишлов берилган вариантдан бошқа вариантларда 300 кг/га. аммиакли селитра берилди. Кузги бугдойнинг найчалаш ва бошoқланиш фазаларида назорат вари-

антда 2 марта 15 кг/га. (200 литр сувга аралаштириб), Сила кремний препарати 150 гр/га. (200 литр сувга аралаштириб) ва Аминосид 4 марта 20 кг/га. (200 литр сувга аралаштириб) қўлланилди. Бир гектар майдондан олинган умумий кузги бугдой ҳосили Карбамид билан суспензия қилинганда 40-45, Аминосид препарати билан суспензия қилинганда 55-60, Сила кремний препарати билан суспензия қилинганда 70-80 центнерни ташкил этди.

Ушбу препарат Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бoраётган тақирсимон тупроқлари шароитида гўзанинг ингичка толали “Қашқадарё-5”, “Сурхон-104” ва “Иолотан-14” навларида 12 та вариант, 3 та такрорланишда, битта ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир дeлянка 4 қатордан, қатор оралиғи 90 см, бир дeлянка умумий майдони 720 м2, шундан ҳисoб майдони 180 м2 ни ташкил этди. Бир хил минерал ўғит меъёри Н-250, Р-175, К-125 кг/га, икки хил сўғориш тартибларида ЧДНСа нисбатан 70-75-65, 65-65-60 фoизда дастлабки ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди. Гўзанинг ҳосилдорлиги навлар кесимида 38-40 ва 43-46 ц/га ни ташкил этиб, Сила кремний препаратининг 3-4 чинбарг, шо-



налаш, гуллаш-ҳосил тўплаш фазаларида қўлланилиши таъсирида 12-13 центнер юқори ҳосилдорликка эришилди ҳамда тола чиқиши 2,2 фoизга, тола узунлиги 2,5 мм.га, 1000 дoна чигит вазни 3 граммга ортганлиги аниқланди.

Силос учун маккажўҳори кузги ғалладан кейин 25 июн санасида экилиб, ўсув даврида гектарига Н-200 П-140 К-80 кг. меъёридаги маъдан ўғитлар ҳисoбидан 2 барoбар кам миқдорда, яъни Н-100 П-70 К-40 кг. меъёрида маъдан ўғитлар билан бир марта (08.07) озиклантирилди, 4 марта қондириб сўғорилди. Силос олиш учун 140-145 минг туп атрофида кўчат қолдирилди ва 28 сентябрда ўриб олинди. Ўрим

олдидан унинг бўйи Сила кремний препарати сепилган вариантларда 310-320 см. оралиғида бўлиб, назоратга нисбатан бўйи 40-45 см. юқори бўлган бўлса, ҳар туп маккажўҳори поясидаги ҳосил бўлган барглар сони 14-15 дoнани, бир туп маккажўҳори пояси вазни ўлчанганда унинг ўртача оғирлиги 0,670 – 0,680 граммни ташкил этди.

Хулoса қилиб айтганда, Сила кремний препарати қўлланилган майдонда Аминосид препарати қўлланилган майдонга нисбатан 1640 минг сўм кам маблаг сарфлаб, қўшимча 10 центнер нисбат олишга эришилди. Сила кремний препаратининг 3-4 чинбарг, шoналаш, гуллаш-ҳосил тўплаш фазаларида қўлланилиши таъсирида 12-13 центнер юқори ҳосилдорликка эришилди ҳамда тола чиқиши 2,2 фoизга, тола узунлиги 2,5 мм.га, 1000 дoна чигит вазни 3 граммга ортганлиги аниқланди. Ерёнғoқнинг “Лидер” навидан 5-7 тоннагача ҳосилдорликка эришилди. Маккажўҳори кўк поя ҳосилдорлигида ҳам 200-220 центнер юқори ҳосил олинганлиги қайд этилди.

Ушбу препаратни қўллашда уруғ сифатига жиддий эътибор қаратиш зарур. Барча уруғлар 350 гр/т 10 литр сувга тайёрлаб пуркалса ва 30 минут димлаб экилса, унувчанликни оширади. Сила кремний препарати ишлатишдан олдин 0,5 литр сувда метал бўлмаган идишда 15 дақиқа чайқатилиди. Суспензия қўллаш меъёри: (150-200 мл/га) 200 л сувда аралаштирилиб, ишчи эритма 1 гектар майдонга сепилади. Препаратни бeгoна ўтларга қарши кураш ўтказмасдан қўллаш тавсия этилмайди, акс ҳолда бeгoна ўтларни ҳам ривожлантириб юборади. Ҳавo ҳарорати кeчa-кундуз +5 OС дан паст ҳарoратда ва гуллаш ҳамда пишиш фазаларида қўллаш тавсия этилмайди. Препаратни бошқа аралашмаларни қўшиб сепиш тавсия этилмайди. Сила кремний препарати экинларни совуқ уриш каби салбий таъсирлардан ҳимоялайди, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини икки бараварга оширади. Энг асосийси, экинларнинг қўрғoқчиликка чидамлилигини оширади.

Холиқ АЛЛАНОВ,
ТДАУ “Дeҳқoнчилик ва мелиoрация” кафедраси профессoри,
Ръёно ЮЛДАШЕВА,
ТДАУ “Қишлоқ хўжалик eкинлари селекцияси ва уруғчилик” кафедраси профессoри,
Ойбек САТТОРОВ,
Умирзoқ ЧАРШАНБИЕВ,
ТДАУ “Дeҳқoнчилик ва мелиoрация” кафедраси доцентлари.

Ижтимоий тармоқлар ва ахборот ўртасидаги алоқалар ҳозирги кунда жуда муҳим ва кенг тарқалган. Ижтимоий тармоқлар бу одамлар ўртасида ахборот алмашиш, фикрлар билдириш ва мулоқот қилишнинг асосий платформаларига айланган. Улар бир вақтнинг ўзида ахборот тарқатиш ва қабул қилишнинг энг тезкор воситаларига ҳам айланди. Келинг, ижтимоий тармоқлар ва ахборотнинг ўзаро алоқасини кўриб чиқайлик.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ВА ТАҲДИДЛАР

Ижтимоий тармоқлар ахборот алмашишнинг янги шаклини яратди. Бир вақтнинг ўзида миллионлаб одамлар бирор янгилик ёки воқеани кўриб чиқишлари мумкин. Twitter, Facebook, Instagram, TikTok каби платформалар орқали ҳар қандай маълумотни, янгиликни ёки фикрни тезда бутун дунёга тарқатиш мумкин. Бу ахборотнинг тарқалиш тезлигини сезиларли даражада оширади. Бошқа томондан, бундай тезлиكنинг акс таъсири ҳам бўлиши мумкин, чунки нотўғри ёки ёлгон ахборот ҳам тезда тарқалади. Фойдаланувчилар ўз фикрларини ифода этишлари, янгиликларни баҳам кўришлари ва ижтимоий масалаларда ўз қарашларини билдиришлари мумкин. Бу, айниқса, кичик гуруҳлар ёки жамиятларда ўз овозларини эшиттиришда имконият яратади. Шундай қилиб, ижтимоий тармоқлар ижтимоий адолат ва эркинликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Ижтимоий тармоқлар ахборотни тарқатишда алгоритмларга таянади. Facebook, Instagram ёки YouTube каби платформалар фойдаланувчиларнинг қизиқишларига, ўзаро алоқаларига ва кўриш тарихи асосида контентни персонализация қилишади. Бу фойдаланувчиларга улар учун энг муҳим ёки қизиқарли бўлган ахборотни кўрсатади. Бироқ, бу жараённинг салбий томони ҳам бор: фойдаланувчилар фақат ўз қарашларига мос келадиган ахборотни кўришлари мумкин. Бу эса “filter bubble” (филтрланган пуфак) ёки “echo chamber” (тислим хонаси) эффектига олиб келиши мумкин.



Бу ўз навбатида, маълумотларнинг хилма-хиллигини камайитириши ва одамларни чекланган дунёқарашларга олиб келиши мумкин. Ижтимоий тармоқларда ахборотни манипуляция қилиш, ёлгон маълумотларни тарқатиш ёки мақсадли аудитория устида таъсир қилишнинг янги усуллари пайдо бўлди. Сиёсий партиялар ёки ташкилотлар ижтимоий тармоқлар орқали нотўғри маълумотлар тарқатиб, оммавий фикрни ўзгартришга ҳаракат қиладилар. Ёлгон ахборот ёки сохта видео, аудио технологиялари бу жараёни янада хавфли қилишга олиб келмоқда. Бу ахборотнинг ишончлилигини ва сифатини жиддий савол остига қўяди. Ижтимоий тармоқлар ёрдамида одамлар турли хил ахборот манбаларига эга бўлишади. Блоглар, YouTube каналлари, подкастлар, ижтимоий гуруҳлар ва бошқа платформалар орқали одамлар ўзларини ифода этишади ва маълумотларни баҳам кўришади. Бу ўз навбатида, ахборотнинг диверсификациясига олиб келади, чунки ҳар бир фойдаланувчи ўзининг ёки жамиятнинг ўзига хос муаммоларини кўриб чиқиши мумкин. Лекин бу хилма-хиллик баъзида нотўғри маълумотлар ёки манипуляция қилишга ҳам имкон беради.

Ижтимоий тармоқлар ахборотни реал вақтда янгилаш имкониятини беради. Бу эса янгиликлар, ҳодисалар ёки фавқулодда вазиятлар ҳақида тезкор маълумот олишни оsonлаштиради. Мисол учун, табиий офатлар, сиёсий ҳодисалар ёки ижтимоий муаммолар ҳақида дарҳол хабар бериш мумкин. Аммо бу ахборотнинг тезлиги ҳам ахборотнинг аниқлиги ва ишончлилигини текширишни қийинлаштиради. Ижтимоий тармоқлар ёшларга катта таъсир кўрсатади. Ёшлар тезда янги ахборот ва трендларни ўзлаштиради ва ижтимоий тармоқлар орқали ўз фикрларини билдиришади. Аммо бу ёшлар ўртасида нотўғри маълумотлар, стереотиплар ва зарарли контентнинг тарқалишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу сабабли, ижтимоий тармоқларда ахборотни қабул қилиш ва тарқатиш масъулиятини ошириш керак. Ижтимоий тармоқларда ахборот хуружи ва таҳдидлари ҳозирги кунда дунё бўйлаб кенг тарқалган ва глобал миқёсда жиддий хавфларни келтириб чиқарадиган масалалар. Ушбу платформалар одамлар ўртасидаги коммуникация ва ахборот алмашинуви жараёнларини оsonлаштира-да, улар бир вақтнинг ўзида турли хил зарарли хатти-ҳаракатларга, манипуляция ва манипулятив ахборотнинг тарқалишига олиб келиши мумкин.

Ёлгон ахборот ижтимоий тармоқларда жуда тез ва кўпинча мақсадли тарзда тарқатиладиган нотўғри маълумотлардир. Ёлгон ахборотлар одамларнинг фикрини манипуляция қилиш, сиёсий ёки ижтимоий жиҳатдан таъсир кўрсатиш мақсадида ишлатилади. Мисол учун, сайловлар, пандемиялар ёки бошқа муҳим воқеалар атрофида нотўғри ва манипуляцион хабарлар тарқатилиши, фуқароларни нотўғри қарорлар қабул қилишга ундаши мумкин.

Deepfake технологияси ёрдамида ижтимоий тармоқларда одамларнинг видео ёки аудио ёзувларини тахир қилиб, уларни бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин. Бу технология нотўғри, ёлгон ёки зарарли ахборотларни яратиш ва тарқатиш учун ишлатилиши мумкин. Мисол учун, машҳур шахсларнинг сўзлари ёки ҳаракатларини сохта равишда яратиш, одамларни алдаш ёки обрўсини зарарли тарзда пасайтириш мақсадида ишлатилади. Ижтимоий тармоқлар орқали фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини ўғирлаш учун киберхужумчилар пхишинг усулларида фойдаланадилар. Бу усулда, зарарли дастурларни ёки сохта саҳифаларни яратиш орқали, фойдаланувчидан махфий маълумотлар олишга ҳаракат қилинади. Бундай хужумлар фойдаланувчиларни хафа қилиши ва уларга молиявий зарар етказиши мумкин.

Ижтимоий тармоқлар сиёсий манипуляция ва пропаганда тарқатиш учун кучли воситага айланган. Сиёсий партиялар ёки давлатлар ўз мақсадларига эришиш учун ижтимоий тармоқларда нотўғри маълумотларни тарқатиш, фикрни манипуляция қилиш ва муайян сиёсий қарашларни қўлаб-қувватлаш учун “ботлар” (автоматик ҳисоблар) ёки “троллар” (сохта фойдаланувчилар) дан фойдаланишади. Мисол учун, сайловлар ёки референдумларга оид нотўғри маълумотлар тарқатилиши, одамларни нотўғри фикрлар асосида овоз беришга ундаши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда ахборот хуружи ва таҳдидлари нафақат шахсий ҳавфсизлиكنи, балки жамиятдаги тинчлик ва барқарорликни ҳам хавф остига қўяди. Шу сабабли, фойдаланувчиларга ахборот хавфсизлиги, махфийлигини ҳимоя қилиш ва рақамли хавфсизлик бўйича таълим бериш жуда муҳимдир. Шунингдек, давлатлар ва технологик компаниялар бу таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорлик қилиши керак. Фойдаланувчилар эса ўзларини рақамли муҳитда ҳимоя қилиш учун эҳтиёткор бўлишлари зарур.

Зилола ГАЙБНАЗАРОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси ассистенти.

“Салафийя” деганда тўрттинчи ҳижрий асрда пайдо бўлган тоифа тушунилади. Улар ҳанбалий мазҳабида бўлиб, “Бизнинг қараш ва фикрларимиз Аҳмад ибн Ханбалнинг фикрига бориб тақалади”, дея даъво қилишарди. Сўнг орадан вақт ўтиб, аниқроғи еттинчи ҳижрий асрда бу даъвони Ибн Таймия яна қайта жонлантирди ва кўп масалаларда янгиликлар киритди. Сўнг 12 ҳижрий асрда Араб ярим оролида бу қарашлар яна қайта жонлантирилди. Бу ишни Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб амалга оширди”.

Агар салафийлик даъвосини яхшилаб ўрганадиган бўлсак, бу даъво пуч эканини билиш мумкин. Чунки, салафийлик даъвосини қилаётган кимса, “Бизнинг йўлимиз салафлар, яъни саҳоба ва тобеинлар йўли”, дейди. Мантиқан олиб қаралса, бу асоссиз даъводир. Чунки, Аллоҳнинг каломи, Расулуллоҳ соллоллоху алайҳи васалламнинг суннатлари, саҳобаларнинг сўзини Ибн Таймия ёки Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ёки Албонийдан кўра, имом Абу Ҳанифа, имом Молик, имом Шофеий ва имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳимдан яхши тушунишган. Ким мана шу тўрт мазҳабнинг бирига эргашса, ҳақиқий салафларнинг йўлини тутган бўлади. Салафийларнинг йўлига эргاشиш эса, аслида саҳоба ва тобеинларнинг эмас, аксинча Албоний ва унга ўхшаган кимсаларнинг фикр ва қарашларига эргаштиришдир.

Муҳаммадшокир БОБОХЎЖАЕВ,
Норин туманидаги “Умархўжа эшон” жомеъ масжиди имом хатиби.

Анъанавий рўйхатга олиш деганда, маълум бир мамлакат худуди ёки унинг аниқ белгиланган қисмида барча шахслар ва уй-жой фондини маълум бир вақтда тавсифловчи демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни тўплаш (жойларда ёппасига рўйхатга олиш орқали), қайта ишлаш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш жараёни тушунилади.

АНЪАНАВИЙ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Рўйхатга олиш бевосита ҳисоб-китоб санаси (рўйхатга олиш санаси) билан боғлиқ белгиланган чекланган вақт оралиғида ўтказилади. Маълумотлар одатда, қозғасаволнома ёки борган сари кўпроқ ишлатилаётган электрон шаклдаги рўйхатга олиш варақалари орқали ёки хавфсиз онлайн улаиш воситасида маълумотларни узатиш орқали қайд этилади. Рўйхатга олишнинг иккита асосий усули мавжуд бўлиб, бунда маълумотлар тўғридан-тўғри рўйхатга олувчи томонидан қайд этилади ёки хонадон аъзолари мустақил равишда сўровномани тўлдиради. Сўров усулида ҳар бир шахс тўғрисидаги маълумотлар (аҳоли рўйхатга олиш доирасида) ва ҳар бир уй-жойларнинг комплекси ҳақида маълумотлар (уй-жой фондини рўйхатга олиш доирасида) бир вақтлийлик ва умумийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда, қисқа ва ўрнатилган вақт оралиғида ўзи учун белгилаб берилган расмий участка доирасида рўйхатга олиш бўлими ходимлари томонидан йиғилади ва рўйхатга олиш саволнома варағига киритилади. Ўз-ўзини рўйхатга олиш усулида гарчи аксарият ҳолларда рўйхатга олиш варақалари рўйхатга олиш органлари ходимлари томонидан тарқатилиб, тўпланиб ва текширилсада, маълумотларни қайд этиш бўйича асосий масъулият рўйхатга олиш бирлиги доирасида вақил шахс (одатда уй ҳўжалиги бошлиғи ёки вояга етган катталар) зиммасида бўлади. Рўйхатга олиш саволнома варақалари почта ёки рўйхатга олувчи орқали етказиб берилиши мумкин. Рўйхатга олиш шаклида манзиллар рўйхати рўйхатга олувчи томонидан амалга оширилади, у ҳам маълумотларни рўйхатга олишни амалга оширади ёки рўйхатга олиш варақаларини беради, аммо ҳозирги вақтда кўплаб анъанавий рўйхатга олиш жараёнида рўйхатга олиш мақсадлари учун шакллантирилган рўйхатга олиш ишларининг бутун ёки бир қисмини амалга ошириш учун мавжуд манзиллар ёки регистрлардан фойдаланилади.

Рўйхатга олиш саволнома варақаларини тарқатиш учун почта хизматларида факатгина тўлиқ, янгиланган ва умуммиллий мувофиқлаштирилган манзиллар рўйхати мавжуд ёки тузилиши мумкин бўлган ҳолларда фойдаланиш мумкин. Илгари анъанавий аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш олдида турган жиддий муаммо мамлакатда турли мақсадлар учун тузилган ҳар хил манзил рўйхатлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат худудидаги барча манзилларни қамраб олиш масаласи ҳисобланган. Шу сабабларга кўра, айрим ҳолларда рўйхатга олиш ишлари олиб бориладиган жойларда манзиллар рўйхатини текшириш ўтказилади. Бироқ, бундай операция қимматга тушади, шунинг учун унинг бажарилиши билан боғлиқ харажатлар ва фойдаларни таҳлил қилиш муҳимдир. Бошқа ҳолларда, манзилларни текшириш ўрнига электрон почта орқали хат-хабарларни етказиб беришдан кўра, рўйхатга олувчилар томонидан янги манзилларни рўйхатга олиш афзалроқдир. Агар манзиллар рўйхатининг сифати почта орқали хат-хабарларни жўнатиш учун қоникарсиз деб топилса, уларни етказиб бериш рўйхатга олувчи ходимлар томонидан амалга оширилиши керак. Манзиллар рўйхати мавжуд бўлган ҳолатда, ундан фойдаланишнинг аниқ усулини аниқлаш керак.

Рўйхатга олиш варақалари рўйхатга олувчилар томонидан тўпланиши, почта орқали жўнатилиши, респондентлар томонидан муайян ташкилотга қайтарилиши ёки интернет онлайн каналлар орқали маълумот тўплашда узатилиши мумкин. Ушбу етказиб бериш ва йиғиш усуллари анъанавий усуллар доирасида вазиятга қараб қўлланилиши мумкин.

Бахтиёр ХОЛИҚОВ,
Йўусобод тумани
Статистика бўлими бошлиғи в/б.

Сохта салафийлар Қуръон тиловатини ўтганлар руҳига бағишлаш жоиз эмас, деб билишади. Муслмонларни катта гуноҳлари сабабли диндан чиқаришади. Сохта салафийлар ким, уларнинг аломатлари нималар эканини билдириш мақсадида ушбу фиркага эргашувчиларнинг асосий белгиларини санаб ўтамыз.



мақбараси бўлган масжидларда намоз ўқишни ҳаром деб, бундай масжидларни бузишга чақириш, пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг, пайғамбарлар ва солиҳ зотларнинг қабрини зиёрат қилишни ҳаром дейиш, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ота-оналарини дўзахда, деб ҳукм қилиш, ўзларига эргашмаган муслмонларни кофирликда айблаш, ҳар қандай янгиликни “бидъат” деб, муслмонларнинг аксарини “бидъат аҳли”, деб сифатлаш, фатво бериш учун илм ва лаёқатга эга бўлмаса ҳам, фатво беравериш, тасаввуфни умуман тан олмаслик, марҳумлар руҳига Қуръон тиловат қилишни, хайр-эхсон қилишни жоиз эмас дейиш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ҳарбийларни ҳам “динсизлар” тоифасидан ҳисоблаш каби-лар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда сохта салафийлар бир неча гуруҳларга бўлиниб кетган. Уларни умумлаштириб, икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, давлат бошқарувида шариятнинг устуворлигига эришиш учун жангу-жадаллар билан ҳаракат қиладиган радикал салафийлардир. Бу тоифадаги сохта салафийлар “жиход” ғоясининг мазмунини бузиб талқин қилиб, унга жангарилик тусини бермоқда. Иккинчиси, ўзларини гўёки давлатдаги мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунадиган ва уларга қарши чиқмайдиган қилиб кўрсатадиган, жангарилик фаолияти билан шуғуланмайдиган “мўътадил” салафийлар ҳисобланади. Улар ўзларининг мутаассиб фикрларидан қайтмаган ҳолда бошқа қарашларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиганлар гуруҳига мансуб бўлиб, муайян мазҳабга мансуб бўлишни ёқламайдилар.

➤ Эълонлар

Шукурова Сагадат Исаевна номига 1993 йил 21 февралда 05-01/4631 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	Пиримкулова Хикоят номига 1993 йил 17 сентябда 05-02/11807 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	Рейтер Лилия номига 1999 йил 22 июнда 00-21/12593 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	Неретин Геннадий Алексеевич номига 1993 йил 27 февралда 01-01/14827 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
--	---	--	--